

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**231** Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси уч ой муддатда ушбу қарор кучга киргунга қадар берилган лицензияларни хатловдан ўтказсин, лицензия битимларининг мазкур қарор билан тасдиқланган Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазир**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 6 апрель,  
189-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида», «Туризм тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарорига мувофиқ туризм фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Туризм фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Лицензияловчи орган деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Туризм фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, лицензияловчи органга туризм фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган юридик шахс (туризм опе-

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

раторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмалари) (кейинги ўринларда лицензия талабгори деб аталади) лицензия талабгори бўлиши мумкин.

4. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар туризм хизматлари кўрсатиш шартномаси шартларига мувофиқ турларни ташкил этиш бўйича хизматлар, жумладан банд (бронь) қилиш, жойлаштириш, ташиш, овқатланишни ташкиллаштириш, шунингдек рекреация, экскурсия ва бошқа хизматлар кўрсатувчи лицензия талабгорларига берилади.

Бунда экскурсия хизматлари кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш талаб этилмайди.

5. Лицензияловчи орган лицензияни қуйидаги уч йўналиш бўйича беради:

**ички туризм** — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун;

**чиқиш туризми** — Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун;

**кириш туризми** — Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун.

6. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

7. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия амал қилиш муддати чекланмасдан берилади.

## 2-боб. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Қуйидагилар туризм фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, туризм соҳасидаги халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикаси стандартларига мажбурий риоя қилиш;

б) юридик шахс штатида «туризм» йўналишидаги олий таълим ёхуд ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломига ёки лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибда 3 йил муддатга бериладиган амалдаги малака сертификатига эга бўлган камида бир нафар мутахассис бўлиши;

в) юридик шахс ходимлари (гидлар (экскурсия етакчилари) ва йўриқчи-йўл бошловчилар) 3 йилда камида бир марта лицензияловчи орган белгиланган тартибда малака сертификати олиши;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ туризм фаолиятини амалга ошириш учун ўз мулки бўлган ёки ижарага олинган бинолар мавжуд бўлиши;

- д) туризм фаолиятини амалга ошириш учун йўналишига кўра:  
«ички туризм» — юридик шахснинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакли учун қонунчиликда белгиланган миқдорга тенг;  
«чиқиш ва кириш туризми» — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 400 баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармасига эга бўлиши;
- е) туризм хизматларининг мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсиячиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш бўйича тизимнинг мавжудлиги;
- ж) миждоз билан фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ шартнома, шу жумладан, электрон тарзда (онлайн) тузилгандан кейин туризм хизматлари кўрсатиш;
- з) чет давлатга чиқиш, келиш ва у ерда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари, туристик саёҳат вақтида ўзини тутиш хусусиятлари ҳамда ҳар бир муайян мамлакатда бўлишнинг бошқа қоидалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ҳар бир туристга белгиланган тартибда етказиш;
- и) миждозга лицензиатнинг иш режими, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тегишли лицензия, туризм хизматлари сертификатининг мавжудлиги, туризм фаолиятининг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган лицензиатнинг мутахассислари фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлиқ ва батафсил маълумот бериш, жумладан, ушбу кўрсатилган маълумотларни ўзининг халқаро интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштириш.

### **3-боб. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар**

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия талабгорининг номи ва ташкилий — ҳуқуқий шакли, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадаги туризм хизматларини кўрсатиш учун амалдаги мувофиқлик сертификати ва туризм фаолиятини амалга ошириш учун бинога ҳуқуқни берувчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг мавжудлиги, лицензия талабгорининг жойлашган жойи (почта манзили), алоқа телефонлари, факс рақамлари, электрон манзили ва банк реквизитлари, шунингдек, ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган, талаб этилаётган туризм фаолиятининг йўналиши кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) ушбу Низомнинг 8-банди «б», «г» — «е» кичик бандларига мувофиқ ҳужжатлар нусхалари;

в) лицензия талабгори аризасининг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилиши учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;

г) фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, паспортига оид маълумотлар, уй манзили, маълумоти, алоқа телефонлари рақамлари кўрсатилган раҳбар тўғрисидаги маълумотлар.

10. Лицензияловчи орган лицензия бериш учун бошқа ваколатли орган-

ларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олади.

11. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта ёки электрон алоқа воситаси орқали тақдим этилади.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Лицензия олиш учун лицензияловчи органга юборилган ҳужжатлар лицензияловчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

#### **4-боб. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

13. Ариза кўриб чиқилиши учун лицензия талабгори тўлов кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари миқдорида лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказиладиган йиғим тўлайди.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим қайтарилмайди.

14. Лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда, лицензияловчи орган раҳбари ўринбосари томонидан тасдиқланган эксперт хулосаси асосида қабул қилинади.

15. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда, ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади (топширилади). Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинган тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия талабгорига имзолаш учун лицензия битими юборилади.

16. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битими лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

томонларнинг рекузитлари;  
амалга оширилишига лицензия берилётган туризм фаолияти йўналиши;  
лицензияга қўйилган лицензия талаблари ва шартлари;  
лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензия ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

17. Туризм фаолиятига лицензиялар белгиланган шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган хужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари лицензияловчи орган томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда лицензияловчи орган буюртманомасига биноан «Давлат белгиси» давлатишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан босмахона усулида тайёрланади.

Лицензиялар бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун лицензияловчи орган раҳбари шахсан жавоб беради.

18. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин икки иш куни мобайнида лицензия берилди.

Ушбу Низомга мувофиқ лицензияланган туризм фаолияти йўналиши лицензияда кўрсатилади.

Лицензия лицензияловчи орган раҳбари томонидан имзоланади ва лицензияга берилди.

19. Агар лицензия лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой муддатда лицензияловчи органга лицензия берилиши учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битими имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

20. Лицензия беришни рад этишга қўйилган асос бўлиши мумкин:  
лицензия талабгорининг хужжатларни зарур тарзда расмийлаштирмай тақдим этиши;

лицензия талабгори тақдим этган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига номувофиқлиги.

Бошқа асосларга кўра, шу жумладан, лицензия бериш мақсадга мувофиқ эмас деган сабаблар билан лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

21. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб хужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда бир кун мобайнида, ёзма шаклда, шунингдек, электрон шаклда ахборот тизими орқали юборилади (топширилади). Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши керак.

22. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, хужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур хужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб беш кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия талабгорининг аризасини қайта кўриб чиқишда илгари лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

### **5-боб. Лицензияни қайта расмийлаштириш. Лицензия дубликатини бериш**

23. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ой муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Хужжатлар лицензиат томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан электрон шаклда ёки почта алоқа воситаси орқали тақдим этилади. Электрон шаклда тақдим этилган хужжатлар лицензиатнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбоши талабларини бузган ҳолда лицензияланувчи фаолиятни амалга оширганлик фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

24. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган тегишли ўзгартиришларни лицензиялар реестрига киритади.

Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан, тегишли хужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаш-

тириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш иш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказиладиган йиғим ундирилади.

25. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати ариза берилган кундан бошлаб беш иш кун мобайнида берилади.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдориди лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказиладиган йиғим ундирилади.

### **6-боб. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш**

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

туризм фаолияти субъектларидан туризм тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини талаб қилиш;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органнинг — Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш вақтида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уларни бекор қилиш бўйича қарор қабул қилиш ёки судга мурожаат этиш;

лицензиясиз туризм фаолияти амалга оширилаётганлиги тўғрисида аниқланган фактлар ҳақидаги маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли органларга юбориш.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

#### **7-боб. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш**

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22, 23 ва 24-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган лицензия талаб ва шартларини бир марта қўпол бузишга қўйидагилар қиради:

мижозлар ёки чет эллик ҳамкорлар билан тузилган тегишли шартномасиз туризм хизматлари кўрсатиш;

туризм хизматлари сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсиячиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш тизимининг лицензиатда йўқлиги;

туризм хизматлари кўрсатишда, лицензиатнинг штатида «туризм» йўналиши бўйича олий таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи ёки лицензияловчи орган томонидан белгиланган тартибда бериладиган амалдаги малака сертификатига эга бўлган ходимнинг йўқлиги.

30. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

Лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганда ва бекор қилинганда тўланган давлат божи қайтарилмайди.

#### **8-боб. Лицензиялар реестри**

31. Лицензияловчи орган туризм фаолияти лицензиялари реестрини юритади, унда қўйидагилар кўрсатилади:

а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар — ташкилотнинг номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами, мулкчилик шакли, филиаллар тўғрисидаги маълумотлар, ташкилот раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;

б) лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;

- в) лицензия бланкасининг серияси ва рақами;
- г) туризм фаолияти йўналиши;
- д) фаолиятнинг лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган манзил, алоқа телефони, факс рақамлари, электрон почта манзили ва бошқа контактлар;
- е) туризм хизматлари ва туризм маҳсулотлари сертификатлари ҳақидаги маълумотлар;
- ж) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхта-тиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;
- з) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилишнинг асоси ва санаси;
- и) дубликат беришнинг асоси ва санаси.

32. Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиқ бўлади.

### **9-боб. Лицензия берилганлиги учун давлат божи**

33. Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун:

«ички туризм» йўналишида фаолиятни амалга оширувчи лицензия талабгорларидан — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

«чиқиш туризми» ёки «кириш туризми» ёхуд туризм фаолиятини бир туридан ортиқ йўналишларда фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия талабгорларидан — қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

34. Давлат божи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига ўтказилади.

### **10-боб. Яқунловчи қоидалар**

35. Лицензияловчи орган ва лицензия талабгори ёки лицензиатлар ўртасида ҳужжат айланиши (ариза, ҳужжатлар, маълумотлар, хабарномалар ва бошқалар бериш) қоғоз ёки электрон шаклда амалга оширилиши мумкин. Лицензия олиш учун тақдим этилган ариза, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар сифати лицензиялаш учун зарур бўлган ахборотларнинг аниқлигини таъминлаши лозим. Лицензияловчи органга келиб тушган ҳужжатлар ва маълумотлар туризм хизматларининг белгиланган лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигига риоя этилишини текшириш жараёнида асл нусхалари билан солиштирилади.

36. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Туризм фаолиятини лицензиялаш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Туризм фаолиятини лицензиялаш  
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
Лицензия талабгори	<p>Низомнинг 9-бандида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди.</p> <p>Ҳужжатларни лицензияловчи органга бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта ёки электрон шаклда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.</p> <p>Ариза кўриб чиқилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баробари миқдоридан йўғим тўлайди, йўғим лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.</p>	Лицензия талабгорининг хоҳишига кўра
Лицензияловчи орган	Лицензия талабгори томонидан ариза ва барча зарур ҳужжатлар топширилгандан кейин лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	15 иш куни мобайнида
Лицензияловчи орган	Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақдаги билдиришномада рад этишнинг аниқ сабаблари ва уларни бартараф этишга етарли бўлган муддат кўрсатилган маълумотлар электрон шаклда ахборот тизими орқали, шунингдек ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).	Бир кун муддатда
Лицензия талабгори	Лицензия бериш рад этилган тақдирда аниқланган сабабларни бартараф этади ҳамда ариза ва ҳужжатларни лицензияловчи органга қайта топширади.	Лицензияловчи орган белгиланган муддатга мувофиқ
Лицензияловчи орган	Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида такроран қарор қабул қилади.	5 иш куни мобайнида
Лицензияловчи орган	Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда лицензия талабгорини хабардор қилади ва аynи вақтда имзолаш учун лицензия битими юборади.	Бир кун муддатда
Лицензиат	Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни лицензияловчи органга тақдим этади ва лицензия битимини имзолайди.	3 ой мобайнида
Лицензияловчи орган	Юқорида қайд этилган шартлар бажарилмаган тақдирда лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.	3 ойдан сўнг
Лицензияловчи орган	Лицензия талабгори томонидан Низомнинг 33-бандига мувофиқ давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда ва лицензия битими имзоланганда тегишли бланкада лицензияни расмийлаштиради ва уни лицензиатга беради.	2 иш куни мобайнида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 11 ноябрдаги 497-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 113-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарори)» 2006 йил 22 майдаги 92-сон қарорига илованинг 30-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 34-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ–31-сон Қонуни)» 2006 йил 14 сентябрдаги 194-сон қарорига илова I бўлимининг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 9-сон, 66-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2011 йил 7 сентябрдаги ЎРҚ–292-сон Қонуни)» 2012 йил 1 февралдаги 26-сон қарорига илованинг 15-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 2-сон, 5-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг туризм фаолиятини лицензиялаш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 18 октябрдаги 299-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 41-42-сон, 486-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 16 июлда-

**14 (774)-сон**

**— 245 —**

**231-232-моддалар**

ги ПФ-4453-сон Фармони)» 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига 1-ило-  
ванинг 46-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм фаолиятини амалга ошириш ва  
лицензиялаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»  
2014 йил 13 мартдаги 60-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Рес-  
публикаси ҚТ., 2014 й., 3-сон, 26-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хиз-  
матлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида» 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига илованинг 16-банди (Ўзбе-  
кистон Республикаси, ҚХТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда).